


Суннатлардаги ўнта илмий ҳақиқат (тўртинчи мақола)



14:02 / 06 март 1746

Кундан кунга Қуръони Карим ва Суннати мутоҳҳарадаги илмий мўъжизалар, ҳақиқатлар илмий томондан ҳам аниқланмоқда. Ушбу мақолада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида баён қилинган ва яқин йиллар ичида аниқланган илмий ҳақиқатлар зикр этилади.

Қўлларни ювиш

Набавий поклик усулларида яна бири уйғонгандан сўнг қўлларни ювиш, ухлаш вақтида қўлларда қолган микроблар, тер қолдиқлари ва ёғларни олиб ташлашдир. Бинобарин, бугунги кунда олимлар касалликларнинг олдини олиш учун қўл ювиш муҳимлигини таъкидламоқдалар. Шу ерда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларининг аҳамияти ойдинлашади. Зеро, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар сизлардан бирингиз уйқудан уйғонса, қўлини уч марта ювмагунча идишга солмасин» деб марҳамат қилганлар.

Бухорий ва Муслим ривояти.

طَقِيَّتْ سَا إِذَا لَاقَ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ لَيْلِ صَبَّ لَلَا، هُنَّ عُلَلُ لَلِ يَضْرَعُ رِيْرُهُ بِي أَبْنَعِ
الْمُكْدَحُ أَنْفِ تَارْمَ ثَالِثَ أَلَسْ عِي تَحْرَأْ لَلِ يَفْ هَدِي لِحُدِي أَلْفِ هَمَّوْنُ مُمُ كُدْحُ
هُسْمُ حُلْ هَاوْرُ. هَدِي فُوطُ تَنْ أَكْنِي وَأُ هَدِي تَنْ أَبْنِي أُرْدِي

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирортангиз уйқусидан уйғонса, қўлини уч марта ювмасдан туриб, уни идишга солмасин. Чунки ҳеч бирингиз қўли қаерда тунаганини билмайсиз ёки қўлингиз қаерда айланганини билмайсиз»**, дедилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қўлларни ювишнинг аҳамияти ҳақида ким хабар берган?!

Албатта, у зоти бобаракотга бу ҳақда Аллоҳ таолонинг Ўзи хабар бергандир!

(Давоми бор)

**Абдуддоим Каҳел мақоласи ва Islom.uz маълумотлари асосида
Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади**

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 21 февраль 03-07/921-сонли хулосаси асосида тайёрланди.